# ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚОНУНИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ПАРЛАМЕНТНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

диллик билан қўллаб-қувватлаб, Россия Давлат Думасининг мазмун-моҳияти билан СССРни қайта тиклашга қаратилган қарори умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларини қўпол равишда бузиш эканлигини таъкидладилар. Ҳақиқатан ҳам бу интеграция ниқоби остида суверен ва мустақил давлатлар ва уларнинг халқларини ўтмишга қайтаришга, тоталитар, маъмурий буйруқбозлик тизимини тиклашга уринишдир.

Сессияларда интеграция жараёнларини жадаллаштириш асоссиз ва истиқболсиз лўттибозлик деган фикр билдирилди. Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқни ҳар қандай шаклда қайта тиклашга қаратилган ва давлатлар устидан турувчи структурани барпо этишни назарда тутадиган ҳеч қандай давлатлараро иттифоқ ва уюшмаларга қатнашмайди, зеро, бу суверен, мустақил давлатнинг мақомига тўғри келмайди.

Депутатлар Ўзбекистоннинг мустақил демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишга, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувга қаратилган ўз йўлидан ортга қайтмаслигини ва ўз мамлакатининг гуллаб-яшнашини, унинг барча фуқароларини муносиб ҳаёт тарзи билан таъминлаяжагини бир овоздан таъкидладилар.

Бу масала Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясида жиддий муҳокама этилади. Ишончим комилки, Олий Мажлис депутатлари мамлакатимиз раҳбарияти ва халқ депутатлари кенгашининг баҳо ва хулосаларини сессияда қўллаб-қувватлайдилар. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Зеро, республикамизда давлат суверенитети, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик, жамиятда барқарорлик ва ҳамжиҳатлик энг олий сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий қадрият сифатида эътироф этилган. Унга эътиқод қилиш давлат ички ва ташқи сиёсатининг устивор омили бўлиб, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзгармай қолаверади.

**—Олий Мажлис Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясини шу йил 25 апрелда ўтказишга қарор қилди. Халқ ноиблари муҳокамасига ҳавола этилаётган қонунлар лойиҳаларининг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?**

— Олий Мажлиснинг энг муҳим вазифаларидан бири республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришини қонуний жиҳатдан таъминлашдир. Мамлакатдаги янгиланишларнинг бугунги суръатлари қонун чиқариш ишларига янгича ёндашувни, янги қонунларни қабул қилишда тезкорликни талаб этмоқда.

Ушбу сессияга иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини яна такомиллаштиришга, кўп укладли ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга ўтишни тезлаштиришга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган қонун лойиҳаларини киритиш мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясидаги нутқида мамлакатнинг жадал олға босиши, жамиятдаги барқарорлик аҳоли ўртасида ҳақиқий мулк эгалари қай даражада кўплигига боғлиқ эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон парламенти мулк шаклининг хилма-хил бўлиши учун ҳуқуқий шарт-шароит яратиб берди, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини юридик жиҳатдан таъминлади, ҳамма турдаги мулк шаклларининг давлат томонидан эътироф ва муҳофаза этилишини кафолатлади.

Қимматли қоғозлар мулкдорлар синфини барпо этишда муҳим роль ўйнамоқда. 1993 йил сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонун қимматли қоғозлар бозорининг ривожига кучли туртки бўлди. Қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш, ишлатиш ва тартибга солишни қонуний жиҳатдан таъминлаш, қимматли қоғозларга инвестиция учун шароит яратиш, инвесторлар ва бозорнинг бошқа иштирокчилари учун кафолатни таъминлаш мақсадида «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди ва у сессия муҳокамасига киритилмоқда.

Акционерлик жамиятлари фаолиятини тартибга солиш, акция эгалари ҳуқуқларини қонуний мустаҳкамлаш ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган «Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам бешинчи сессияга киритилмоқда.

Ушбу қонунлар лойиҳалари ҳар бир фуқаронинг, у хоҳ даромад келтираётган кўчмас мулк, кичик корхона, акция, хоҳ бошқа қимматли қоғоз эгаси бўлсин, ўзини мулкдор дея ҳис қилиши ва тушиниб етиши, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришдан ва орқага қайтмасликдан чинакам манфаатдор бўлишига қаратилган.

Олий Мажлис аввал қабул қилинган қарорлар билан бир қаторда пул-кредит тизимини такомиллаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш учун тўртинчи сессияда биринчи ўқишда маъқулланган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ҳам ушбу сессияга киритмоқда.

Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик, бой табиий имкониятлар хорижий ишбилармонларни мамлакатимизга тобора кўпроқ жалб этмоқда. Чет эл инвестицияси тобора ортиб бораётир. Хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий базалар ва давлат кафолатини мустаҳкамлаш, инвестицияларни янада фаолроқ жалб этиш учун қулай шароит яратиш ва чет эл тажрибасини қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонун ҳам бешинчи сессияда кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг сиёсий жараёнлар ва давлатни бошқаришда иштирок этишларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш, унинг манфаатларини амалга ошириш учун шароит яратиш, шунингдек, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизимини янада демократлаштириш масалалари парламентнинг доимий диққат-эътиборидадир. Кенг доирадаги бу муаммолар фуқаролик кодекси ҳақидаги қонунлар мажмуи билан қамраб олинган, ушбу кодекснинг биринчи қисми тўртинчи сессияда қабул қилинган. Масаланинг муҳимлиги ва долзарблиги эътиборга олиниб, кодекснинг иккинчи қисми бешинчи сессия муҳокамасига киритилмоқда.

Шунингдек, «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам депутатлар муҳокамасига ҳавола этилаётир.

Сессияда кўриладиган ушбу ва бошқа ҳужжатлар ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва бозор муносабатларини шакллантиришда муҳим роль ўйнаши, мўлжалланган мақсад йўлидан дадил олға босишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**— Бизнинг газетхонларимиз одатда Олий Мажлис сессияси ишининг якуний маҳсули бўлган Қонунни тайёр бўлганда кўрадилар. Шу боис қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва сессия муҳокамасига киритиш механизми ҳам уларни қизиқтириши табиийдир...**

—Давлатнинг тараққиёт йўлидан жадал олға босиши парламентдан ҳуқуқий тартибни янада мустаҳкамлаш, қонунчиликни такомиллаштириш, қонун лойиҳаларини тайёрлашни сифат жиҳатидан яхшилашни талаб этмоқда. Лойиҳаларни ишлаб чиқишни тўғри ва аниқ уюштириш, ишчи гуруҳи таркибини ўйлаб, пухта тузиш, лойиҳани синчковлик билан таҳрир этиш, унинг муҳокамасини уюштириш, манфаатдор ташкилотлар билан келишиш тайёрланаётган ҳужжатнинг юксак сифатли бўлишини таъминлайдиган омиллардир.

Қонун лойиҳалари, одатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан киритилади, шунингдек, Олий Мажлис қўмиталарида тайёрланади. Кенг қамровли ва кўп идораларга тааллуқли қонун лойиҳаларини тайёрлаш, одатда, тармоқлараро комиссияга топширилади, унга вазирлик, идора, адлия ва илмий муассасаларнинг вакиллари киради.

Қонун лойиҳалари Олий Мажлисда қандай йўлни босиб ўтишини фуқаролик кодексининг биринчи қисмини тайёрлаш жараёни қай йўсинда кечганлиги орқали кўрсатиб бериш мумкин. Ушбу кодексни ишлаб чиқиш учун комиссия тузилиб, унинг таркибига фуқаролик ҳуқуқи соҳаси олим-юристлари, Олий суд, Олий хўжалик суди, патент идораси, адлия институти вакиллари киритилди. Давлат мулки қўмитаси, республика молия ташкилотлари лойиҳани тайёрлашда фаол қатнашдилар. Икки йиллик тиғиз меҳнат жараёнидан сўнг кодекснинг биринчи қисми лойиҳаси халқаро экспертизадан ўтгач, Олий Мажлисга тақдим этилди.

Ушбу лойиҳанинг муҳимлиги эътиборга олиниб, Олий Мажлисда депутатлар, Котибиятнинг адлия бўлими ходимлари, уни ишлаб чиқишда қатнашган олим-юристлар ҳамда манфаатдор ташкилотларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. У ишлаб чиқилаётган ҳужжатга тааллуқли материалларни ва Германия, Буюк Британия, Ирландия, Саудия Арабистони, Корея, шунингдек, МДҲ мамлакатлари фуқаролик қонунларининг тегишли нормаларини ўрганиб чиқди. Биринчи қисмнинг охиригача ишланган лойиҳаси Олий Мажлиснинг қўмиталарида муҳокама қилиниб, кўриб чиқиш учун учинчи сессияга киритилди ва у ерда биринчи ўқишда қабул қилиниб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун тавсия этилди.

Фуқаролик кодекси биринчи қисмининг тушган таклиф ва мулоҳазалар эътиборга олинган мукаммал лойиҳаси Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида тўла қабул қилинди. Кодекснинг ана шундай жиддий тайёргарлик босқичини босиб ўтган иккинчи қисми лойиҳаси Олий Мажлиснинг бешинчи сессия муҳокамасига тақдим этилмоқда.

Асосий лойиҳаларнинг матбуотда олдиндан эълон қилинаётгани ҳамда аҳоли ўртасида, шунингдек, Олий Мажлис Раиси ҳузурида унинг ўринбосарлари, тегишли қўмиталар ва Котибият бўлимларининг раҳбарлари, ишчи гуруҳи аъзолари ва экспертлар иштирокида муҳокама этилаётгани қабул қилинаётган қонунларнинг сифатига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Шундай қилиб, Олий Мажлис қонунлар яратиш технологиясига, халқ хоҳиш-иродасини ҳужжатларда тўғри ва мақсадга мувофиқ тарзда акс эттириш усулларига эътиборни кучайтириб, уларнинг бугунги кун воқелиги ва талабларига мос бўлишини таъминламоқда.

**— Маълумки, Олий Мажлис депутатлари ўзга мамлакатларнинг парламентлари билан учрашиб турадилар. Чет эл тажрибасидан қонунлар яратиш жараёнида қай йўсинда фойдаланилмоқда?**

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси халқаро парламент ташкилотлари, бошқа мамлакатларнинг парламентлари билан алоқаларини кенгайтирмоқда ва чуқурлаштирмоқда. Ўзбекистоннинг Миллий парламент гуруҳи тузилди. Республиканинг Парламентлараро иттифоқдаги, ЕХҲТ парламент ассамблеясидаги ва Европарламент билан алоқа бўйича парламент гуруҳларининг раҳбарияти тасдиқланди.

Кейинги пайтларда Германия, Буюк Британия, Туркия, Япония, Литва, Латвия, Қувайт, Покистон, Болгария парламентчилари ёки уларнинг вакиллари мамлакатимизда меҳмон бўлишди. Ўз навбатида Ўзбекистон депутатлари бир қатор хорижий мамлакатларга, жумладан, АҚШ, Германия, Япония, Туркия, Покистонга ташриф буюрдилар.

Олий Мажлиснинг Конрад Аденаур фонди билан фаолиятини хорижий мамлакатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликка мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Биз октябрь ойида «Олий Мажлис мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кираётган ўтиш даврида» мавзусида ишчи конференциясини ҳамкорликда тайёрладик ва ўтказдик. Унда ҳозирги замонда парламентларнинг ўрни ва роли, ривожланган демократик мамлакатларда парламент фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўтиш давридаги фаолиятининг муҳим ва ўзига хос йўналишларига тегишли масалалар муҳокама этилди.

Март ойида Ўзбекистонда Жаҳон банки вакиллари билан ҳамкорликда «Иқтисодий бошқарув ва ислоҳотлар» мавзусида уч кунлик машғулот ўтказилди. Бундан мақсад илғор тажрибаларни ўрганиш, ўртоқлашиш, халқаро андозаларни амалиётда қўллаш йўлларини излаб топишдан иборат эди.

Ҳозир Олий Мажлисда ана шундай машғулотлар туркуми ишлаб чиқилган бўлиб, дастлабкиси май ойида бўлади.

Халқаро парламент фаолияти тажрибалари ва амалиёти Олий Мажлисда чуқур ўрганилмоқда, имкон қадар ва минтақамизнинг ўзига хос жиҳатлари ва халқимиз минталитети ҳисобга олинган ҳолда қонун яратиш фаолиятида қўлланилмоқда. Чунончи, Меҳнат кодексини тайёрлаш чоғида Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ҲМТ)нинг 100 дан зиёд конвенцияси, шунингдек, Франция, Миср, Кореянинг худди шундай қонунлари ўрганилди.

«Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Россия Федерацияси, Латвия ва бошқа МДҲ мамлакатларининг тегишли қонунлари ўрганиб чиқилди. Қонун лойиҳаси бир қанча халқаро ташкилотларга экспертизага юборилди. БМТнинг Ўзбекистондаги вакили, Конрад Аденаур фондидан тушган қимматли таклифлар Қонунни қабул қилиш чоғида ҳисобга олинди.

**— Ҳозиргача жуда кўп қонунлар қабул қилинди. Улар бугун қандай ишлаяпти? Қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш механизми қандай?**

—Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис фаолиятининг йўналишларидан бири қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилишдир. Жойлардаги аҳволни ўрганиш, қабул қилинган қонунларнинг самарасини таҳлил этиш бизга уларнинг самарали ва бўш томонларини аниқлаш, қонунларнинг мамлакат ҳаётида юз бераётган жўшқин ўзгаришларга мос тушишини таъминлаш мақсадида уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ёрдам бермоқда.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жойларда қонунларнинг ижроси талабга жавоб бермаяпти. Қонунларни суд, адлия органлари, шунингдек, бошқа корхона, ташкилот, муассасаларга етказиш тизими лозим даражада йўлга қўйилмаган. Бу уларнинг сўзсиз бажарилишига маълум даражада тўсқинлик қилаётир.

Ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот, қонунларни тушунтириш ишлари самарали олиб борилмаяпти. Қонунларни билмаслик унинг талаблари бузилишига олиб келаётир. Айрим ҳолларда идоравий норматив ҳужжатларнинг баъзи қоидалари амалдаги қонунларга тўғри келмайди. Баъзи адлия органларида қонун ва бошқа ҳужжатларни бир тизимга солиш ва ҳисобга олиш қониқарсиз аҳволда.

Ташкилотлар Президент девони, Олий Мажлис ва ҳукуматнинг Президент фармонлари, қонунлар, қарорлар, бошқа қонуний ҳужжатлар чоп этиладиган расмий нашрларига обуна бўлсалар, ана шу муаммоларни ҳал этишга ёрдам бўлур эди.

Олий Мажлис қўмиталари ўзларининг назорат қилишга оид вазифаларини бажара бориб, жойларда қонунлар ижросининг аҳволига эътиборни қаратмоқдалар. Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича қўмита олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда «Ахборот тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини текширди. Бюджет, банк ва молия масалалари бўйича қўмита Тошкент шаҳрида, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида солиқ ва банк тўғрисидаги қонунларнинг ижросини ўрганди. Текширув натижалари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қўмитаси ўз мажлисида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ва фуқароларни давлат томонидан пенсия билан таъминлаш тўғрисидаги қонунларнинг қандай бажарилаётгани масаласини тинглади. Натижада, жойларда пенсионерларга, ногиронларга, уруш қатнашчиларига етарли эътибор берилмаётгани, қонунларнинг айрим талаблари ўз вақтида бажарилмаётганлиги аниқланди. Муҳокама натижаларига кўра қўмита қарор қабул қилди ва чора кўриш учун тегишли вазирлик ва идораларга, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига юборди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунларни конкрет ижрочиларига етказишга оид фаолиятини текшириш бўйича парламент комиссияси яқинда ўз ишини тугатди. Комиссия хулосалари ва таклифларининг муҳимлиги ҳисобга олиниб, ушбу масалани ўрганиш натижаларини Олий Мажлис Кенгаши муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

Қўмиталарнинг иш режаларида қонунлар ижросини бундан буён назорат қилиб бориш масалалари назарда тутилган. Уларнинг бажарилиши Олий Мажлис раҳбариятининг алоҳида эътиборида бўлади.

# Федерико Майор: «МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК»

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

ташганини унутмаслик керак. Самарқанд шаҳри жаҳон қадриятлари рўйхатига киритилади, деб умид қиламан.

Фанга доир дастурлар ЮНЕСКО фаолиятининг бошқа муҳим йўналишларидир. Мамлакатингизнинг салоҳиятини ўзингиз яхшироқ биласиз. Сизлар ўзига хос усуллардан фойдаланиб, юлдузлар оралиғидаги масофани ҳисоблай олгансизлар. Юлдузларгача бўлган масофалар ҳисоби натижаларини ҳозирги жадвалларга таққослаб, бу маълумотлар деярли ўхшашлигини кўриб, ҳайрон қолдим. Бу масофаларни ўрта асрнинг таниқли олимларидан бири, машҳур астроном Мирзо Улуғбек ҳисоблаб чиққан. Унинг усуллари ҳайратланарли даражада содда ва аниқ эди.

Айни пайтда бошқа нарсани — Орол денгизи фожиасини эсга олмаслик мумкин эмас. Бу фожиа бутун инсониятга, илм-фанга таъналдир. Бу шунчаки ижтимоий муаммо ёки қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги ёхуд экология фалокати эмас. Бу бутун жаҳон фани шуғулланадиган муаммодир.

Бу минтақада маданият, илм-фан ва маорифни ривожлантириш, сақлаб қолиш масалалари муҳимлиги туфайли ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессияси Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан устиворлик белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу эса ЮНЕСКО учун энг муҳим вазифалардан биридир.

**Мухбир: ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли — мулоқотлар йўли» ўн йиллик дастури 1997 йилда ниҳоясига етади. Афсуски, Ўзбекистон бу дастурда аввал бошиданоқ иштирок эта олмади. Шу муносабат билан ЮНЕСКОнинг бу дастурини навбатдаги ўн йилга узайтириш мумкин бўладими?**

**Ф. МАЙОР:** ЮНЕСКОнинг ҳар қандай дастури ЮНЕСКО аъзолари бўлган мамлакатлар истагига кўра тугалланиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам бизда «Ипак йўли — мулоқотлар йўли» дастури мавжуд. Бу дастур доирасида бешта экспедиция ўтказилди. Ҳозир у ниҳоясига етмоқда. Бироқ биз, жумладан, мен ўзим ҳам ҳар қандай таклифни кўриб чиқишга тайёрмиз. Ўзингиз биласиз, Ўзбекистонда Марказий Осиё муаммоларини тадқиқ қилиш институти ташкил этилган. Бу янги ташаббус қўллаб қувватланиши керак.

**Мухбир: «Ипак йўли — мулоқотлар йўли» дастури давомини сиз қандай тасаввур қиласиз?**

**Ф. Майор:** Тинчликни барпо этиш — ташкилотимизнинг асосий мақсадидир. Биз саводсизларни ўқитишга, сайёрада яшовчи барча кишилар учун жаҳон телекоммуникациясини ривожлантиришга интиламиз. Узлуксиз таълим тинчликни барпо этиш ишида ҳамма учун энг муҳим зарур воситадир. Бу бизнинг биринчи мақсадимиз. Бундан ташқари, инсоният фаровонлиги, ресурсларни ривожлантириш билан ўзаро боғлиқ бўлган илм-фан, маданият ва коммуникациялар дастурларимиз ҳам мавжуд. Улар ҳам тинчликни барпо этишга ва зўравонликни тугатишга қаратилган.

«Ипак йўли — мулоқотлар йўли» дастурини узайтириш тўғрисидаги таклиф келажак лойиҳаси бўлиши лозим. Уни узайтириш учун, менимча, ҳеч қандай ғов йўқ. Бу лойиҳа олдинги дастурни такрорламаслиги, балки янги экспедициялар, семинарлар ўтказишга, мақолалар нашр этишга қаратилиши лозим. Мен бу лойиҳани ЮНЕСКОнинг истиқболдаги режаларига мамнуният билан киритган бўлар эдим. Моделлар ва дастурларни биз ўзимиз ишлаб чиқмаймиз. Биз бир нарсани истаймиз — маориф, фан ва маданият тинчликка, мулоқот ўрнатишга, сайёрамизда зўравонликни тугатишга хизмат қилсин, деймиз. Ҳамма ташаббус сизларга боғлиқ. Ўзбекистон ЮНЕСКО ғояларига қўшилган мамлакат, демак, Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг бир қисмидир.

**Мухбир: ЮНЕСКО билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш тўғрисида тузилган меморандумга мувофиқ Тошкентда ЮНЕСКО бюросини очиш режалаштирилмоқда. ЮНЕСКОда маҳаллийлаштириш жараёни кечаётгани ҳисобга олинса, Ўзбекистонда ЮНЕСКО бюроси ва унинг фаолияти қандай ўрин тутади?**

**Ф. Майор:** Агар Конституциямизга мурожаат қиладиган бўлсак, ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияси ЮНЕСКОнинг бош органи ҳисобланади. ЮНЕСКОга аъзо бўлган барча мамлакатларнинг делегациялари икки йилда бир марта Бош конференцияга келади. Унда умумий сиёсат масалалари ҳал қилинади. Масалан, ҳозирги вақтда хотин-қизлар, ёшлар, Африка ва энг кам ривожланган мамлакатлар бизнинг асосий устиворликларимиздир. Сўнгра ҳар олти ойда ЮНЕСКО ижроия кенгашининг сессияси ўтказилади. Унда кўплаб мамлакатлар вакилларининг Бош директор билан котибият ЮНЕСКОнинг ресурсларни сафарбар қилиш, маориф, фан, маданият ва коммуникацияларга доир дастурларини қандай амалга ошираётгани тўғрисидаги ҳисоботлари тингланади. Бу дастурлар амалда икки йўл билан рўёбга чиқарилади. Шулардан бири — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида ноёб ҳисобланган ЮНЕСКО билан ҳамкорлик миллий комиссиялари ташкилотини тузишдир. Ҳар бир мамлакат олимлар, педагоглар, санъат усталари ва журналистлардан иборат миллий комиссияга эга бўлиши мумкин. Улар лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини биргалашиб ҳал қиладилар ва ЮНЕСКОнинг янги сиёсатини белгилаш учун янги таклифларни ўртага қўядилар. Иштирок этишнинг яна бир муҳим дастури мавжуд. Бу дастур миллий комиссия томонидан устиворликларни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бу дастур доирасида мамлакатлар лойиҳани дастлабки босқичда амалга оширишга кўмаклашиш учун маълум миқдорда молиявий ёрдам олиши мумкин.

Дастурни бажаришнинг яна бир воситаси ЮНЕСКО бюросидир. Бюро ўзи тузилган мамлакатда Бош директор номидан иш юритади. Одатда бюро менинг вакилим бўлган ва менинг номимдан, шунингдек, котибият, ташкилот номидан ҳаракат қиладиган раҳбардан иборат бўлади. Бюро маҳаллий ташкилотлар, миллий комиссиялар билан алоқа ўрнатиб, турли мамлакатларда лойиҳаларни амалга оширишда улар билан мустаҳкам алоқада бўлиб иштирок этади.

**Мухбир: ЮНЕСКОнинг юбилей тадбирлари доирасида бу йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланади. Шу кунларда Парижда «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталиги очилади. Сиз жаҳон ҳамжамиятининг халқимиз маданияти ва маънавий меросига, унинг урф-одатлари ва анъаналарига чуқур қизиқаётганининг сабабини нимада деб биласиз?**

**Ф. МАЙОР:** Ўтган йили Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов билан учрашганимдан сўнг Темурийлар замонаси ва Амир Темур шахси билан боғлиқ тарихий даврнинг муҳимлигини тушундим. Бу давр бутун инсоният хазинасига, маориф, санъат ва илм-фанга улкан ҳисса қўшган.

Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКОга ташрифини, унинг ЮНЕСКО ижроия кенгашида сўзлайдиган нутқини яна бир бор қутлашни хоҳлайман. Президент Ислом Каримов ташрифи арафасида биз Темурийлар даврига доир кўргазма ташкил этдик. Бу кўргазма жаҳон маданиятида мазкур даврнинг муҳимлигини намойиш қилади. Бу эса Ўзбекистонни яхшироқ билиб олишга имкон беради, халқаро ҳамкорликни кучайтиришга, шунингдек, сизлардаги афсонавий халқ ҳунармандчилигини қайта тиклашга кўмаклашади. Кўргазма туризмни ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. ЮНЕСКО маданият ва маънавий меросни ўрганишдан, туризмни ривожлантиришдан жуда манфаатдордир.

**Мухбир: Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ҳамкорликни янада ривожлантириш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун қандай истаклар билдирасиз?**

**Ф. МАЙОР:** Мен бир истагимни айтмоқчиман. Ўзбекистон бой маданият ва маънавиятга эга, лекин ҳамма гап ўтмишда эмас, балки келажакдадир.

Менинг Ўзбекистон халқига истагим шуки, биз динимиз, маданиятимиз ва танамиз рангидан қатъи назар, тинч-тотув яшай оламиз. Ўзбекистон халқига айтишим мумкин бўлган энг яхши истагим — буюк келажакни кўзлаб, ўзининг маънавий ва маданий қадриятларини асрасин ва кўпайтираверсин.

**ПАРИЖ,**
**1996 йил 20 апрель.**

# ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

***25 апрель куни ўз ишини бошлайдиган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ишлари якунловчи паллага кирди.***

Парламент барча қўмиталари ва комиссиялари томонидан сессия кун тартибига киритилган масалаларга тааллуқли қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг асосий қисми депутатларга ўз вақтида етказиб берилди. Тушган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда муайян масала бўйича сессияда қилинадиган маърузалар тайёрланди ва маърузачилар белгиланди.

23 апрель куни бўлиб ўтган сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилишида ана шу масалалар хусусида атрофлича суҳбатлашилди. Йиғилишни ишчи гуруҳининг раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров олиб борди.

Ишчи гуруҳи таркибида тузилган учта кичик гуруҳ томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида Олий Мажлис депутатлари И. Юсупов, Ж. Ўтамов, Г. Йўлдошеванинг ахборотлари эшитилди.

Бешинчи сессия муҳокамасига киритилиши назарда тутилган масалалар Олий Мажлис Кенгаши томонидан эълон қилингач, қўмиталар ва комиссиялар сессияда кўрилиши лозим бўлган яна қатор ҳужжатларни тақдим этдилар. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда ишчи гуруҳи сессия кун тартибига қўшимча масалаларни киритиш таклифи билан Олий Мажлис Кенгашига мурожаат этишга қарор қилди.

Парламент сессияси ҳар томонлама самарали ўтиши ва депутатлар фаол иш олиб боришлари учун барча шароитлар яратиб берилишига алоҳида эътибор қаратилди. Сессияга ташриф буюраётган депутатларни кутиб олишдан тортиб, уларга бошқа зарур ташкилий-техник хизматлар кўрсатишгача бўлган барча муаммоларни ҳал этиш ишчи гуруҳининг зиммасида эканлиги қайд этилди.

Ишчи гуруҳининг аъзолари сессия юксак уюшқоқлик билан ўтади дейиш учун ҳамма асослар бор, деган якдил фикрни билдирдилар ҳамда сессия тугагунга қадар ўз ишларини давом эттиражакларини маълум қилдилар.

# РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚЎМИТАЛАРИДА

***Ўзбекистон Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни қўмита раиси А. Аҳадов бошқарди.***

Йиғилишда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси кун тартибига киритиладиган масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси» иккинчи қисмининг лойиҳаси (биринчи ўқишда) ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда), «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Қўмита аъзолари ушбу лойиҳалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уларни асосан маъқулладилар.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўтган йил ҳисоботи ва давлат пул-кредит режа сиёсатининг 1996 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари ҳақида Марказий банк раиси Ф.Муллажоновнинг ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда қўмита фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

***

Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Ж. Ўтамов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Лойиҳа асосан маъқулланди. У Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритилади.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни Сурхондарё вилоятида қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала юзасидан ахборот ҳам тингланди, тегишли тавсиянома қабул қилинди.

**(ЎзА).**



*Сайхунобод туманидаги «Оқолтин» дон маҳсулотлари комбинатининг қорамолчилик ва паррандачиликка ихтисослашган ёрдамчи хўжалигида бўлган киши ана шу тур маҳсулотлар мўл-кўллигига амин бўлади. Бозорларда гўшт фалон сўм бўлган кунларда, бу ерда меҳнат қилаётган 500 нафардан зиёд ишчи хизматчилар, гўшт, сут, тухум, ғоз ва товуқ гўшти, шўрвабоп қўй гўштини энг арзон баҳода харид қилишаяпти.*

*— Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, — дейди ёрдамчи хўжалик раҳбари Абдуқаюм Қодиров. — Бундан тўрт йил бурун бошлаган тадбиркорлигимиз бугун ўз мевасини бераётир. Ҳозир хўжалигимизда 57 бош қорамол, 350 бош қўй, 98 та ғоз, 2.500 та товуқ боқилаяпти. 20 гектарлик кўлимиз бор. Иншооллоҳ, бу йил 15 тонна луқмаи ҳалол гўшти етиштирамиз.*

*Аслида хайрли ниятда тузилган ёрдамчи хўжалик ҳақиқатдан ҳам бугунга келиб «Оқолтин» дон маҳсулотлари комбинатининг борини ошириб, камини яшириб келаяпти. Комбинат ишчи-хизматчилари қўшни хўжаликлар дуч келаётган иқтисодий тақчилликларга деярли тўқнаш бўлгани йўқ. Негаки, гўшту сут, тухум, ҳаттоки, балиқ гўштидан-да истаган вақтларида дастурхон безашлари мумкин.*

*Ўзингда борига нима етсин, деб шуни айтсалар керак-да!*

*ТАСВИРДА: «Оқолтин» дон маҳсулотлари корхонаси ёрдамчи хўжалиги ферма мудири (ўнгда). Т. Абдуллаев ҳисобчи О. Бозоров билан галдаги вазифаларни режалаштирмоқда.*

**Н. АЛМУРОДОВ** олган сурат.

• Долзарб мавзу

# МАҚСАДИМИЗ – ОДАМЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ



Қашқадарё вилояти суди раиси Қ. Нурматов билан мусоҳаба

**— Қурбон ака, сиз узоқ йиллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида, хусусан, суд органларида хизмат қилгансиз, қанчадан-қанча воқеаларнинг гувоҳи бўлгансиз, турли суд жараёнларини кечиргансиз. Бундан ўн йиллар олдинги суд ва судлов ишлари билан ҳозирги жараён ўртасида қандай фарқ бор? Сирасини айтганда, суд биноси ҳам, кўпчилик судлар ҳам ўша-ўша жойида турипти, эскидан ишлаб келган судлар ҳамон фаолият кўрсатмоқда.**

— Тўғри, бирданига ҳамма эскилардан воз кечиб, янгилашнинг мутлақо иложи йўқ. Жамиятнинг тараққиётига қараб, қонунлар ҳам такомиллашиб, сайқал топиб боради. Суд тизимида ҳам давр тақозоси билан туб ўзгаришлар содир бўлаяпти. Илгариги судларга ҳозиргисини таққослайдиган, уларнинг фаолиятига қараб баҳо берадиган бўлсак, жуда катта фарқ , ўзгаришларни кўрамиз... Илгари собиқ СССРнинг барча республикалари , вилоятлари учун битта қонунга амал қилиниши қатъий белгилаб қўйилганди. Миллийлик хусусиятлари, шароит тақозоси билан ҳеч ким ҳисоблашиб ҳам ўтирмасди. Илгариги қонунларда ҳам судларнинг мустақиллиги, қайта-қайта қайд этилар, амалда мутлақо мустақил эмасди. Бу фикрни қуйидаги асослар билан исботламоқчиман. Собиқ СССР қонунларида гарчанд «судьялар халқ томонидан сайлов йўли билан танланади», деб ёзиб қўйилгани билан амалда партия қўмиталари томонидан танланиб, тавсия этиларди. Судлардаги иш юритиш, ҳукм чиқариш ҳам партия измида эди. Биронта шаҳар ёки туманга судья қўйиладиган бўлса, у , албатта, КПСС аъзоси бўлиши ва партия қўмитаси биринчи котибининг суҳбатидан ўтиши шарт эди. Партия раҳбарлари судларни ҳар қандай йўллар билан ўзларига бўйсундириб олишга ҳаракат қилар, воқеаларнинг ривожига қараб қонунни амалда қўллашларига изн бермасди.

Эндиликда суд тизимида мутлақо янгича ишлаш шарт-шароитлари вужудга келди. Асосий қонунимиз — Конституцияда Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши асос қилиб кўрсатилган. Судлар ана шу асосда қонунларга таянган ҳолда, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда иш кўрадилар.

Президентимиз Ўзбекистон Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида «Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган», деб билишларига эришиш лозимлигини уқдирган эди.

Дарҳақиқат, фуқаролар судни ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб эътироф этишлари лозим. Ана шундагина жамиятимизда инсон ҳуқуқлари тантанаси, адолат қарор топади. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун биринчи галда тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини тўғри ташкил этиш, аҳолининг бу соҳадаги билимлардан, жамиятнинг ҳуқуқий асосларидан хабардор бўлишларига эришиш зарур. Бу ўринда оммавий ахборот воситалари энг ишончли восита ролини ўйнамоғи лозим.

1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуни айнан фуқароларнинг манфаатларини, қадр-қимматини ҳимоя этадиган муҳим ҳужжат бўлди.

**—Яхши эслатдингиз , мана шу ўринда мисолларга мурожаат этсак !**

— Марҳамат. Аксарият фуқароларимизнинг қонунларни билмасликлари натижасида, судларда бундай турдаги ишларни кўриш жуда кам эди. Айби тергов ва суд томонидан исботланмаган ишларни кўриш, ҳукмлар чиқариш каби яроқсиз ҳолатларга эндиликда буткул барҳам берилаяпти. Айби исботланмаган шахсларга нисбатан суд фақат оқлов ҳукмлари чиқариши зарур.

Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини Неъматулло Тўхтаев ва шу бўлимнинг мавзе вакили Ҳайдаров ўз хизмат ваколатидан ташқари чиқиб, баъзи фуқароларга тан жароҳати етказганликда айбландилар. Уларнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ иш бир неча бор судларда кўриб чиқилган. Хусусан, кейинги марта ишни Қамаши тумани суди кўриб чиқиб, уларнинг қилмишларида жиноят белгилари йўқ экани ҳақида хулоса билан, оқлов ҳукми чиқарган.Суднинг оқлов ҳукми асоссизлиги тўғрисида прокурор норозилик билдирди. Лекин вилоят суди ушбу иш билан алоқадор манбаларни атрофлича ўрганиб, суднинг оқлов ҳукмини асосли деб топиш ҳақида қарор чиқарди.

Давлат автомобиль назорати хизмати ходимлари фуқаролар Шуҳрат Ибодуллаев, Омон Тоғаевнинг ҳуқуқбузарлик қилганликлари ҳақида ҳужжатлар тўплаб, судга тақдим этишган эди. Лекин, уларга қўйилган айблар асоссиз эканлиги судда исботлаб берилди ва иш ҳаракатдан тўхтатилди.

Яккабоғ туман қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш идорасида ҳосилот бўлиб ишлаган Сало Холманов вилоят судига мурожаат қилиб, қарийб ўттиз йил битта ташкилотда ишлаб келганлигини, ташкилот фаолиятида юз берган камчиликларни айтгани, раҳбарларни танқид қилгани учун қувғинга олинганлигини ва раҳбарлар томонидан суиистеъмолликларга йўл қўйилаётганини баён этиб ариза берди. Шуниси қизиқки, идора фаолиятида юз берган қалбакичилик , камчиликлар учун ҳам С. Холманов айбдор қилиб кўрсатилган, у бир неча бор жазоланган. Ниҳоят, идора раҳбари турли баҳоналарни важ этиб, уни ишдан бўшатишга муваффақ бўлган. Суд С. Холманов аризасини кўриб чиқди. Ишдан бўшаши билан боғлиқ тафсилотларни ўрганди. Унинг мажбуран бекор юрган пайтлари учун иш ҳақи идора бошлиғи М. Халиловдан ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарди ва унга нисбатан маъмурий чора кўриш тегишли ташкилотларга ҳавола этилди.

Кейинги бир йил давомида қонунсиз ишдан бўшатилганликлари ҳақида 40 фуқаро судга ариза билан мурожаат этди. Уларнинг 27 таси суд ҳукми билан иш жойларига қайта тикланди, мажбурий бекор юрган кунлари учун 62 минг 150 сўм айбдорлар ҳисобидан ундириб берилди.

**— Ўтган йилларга нисбатан вилоятимизда жиноятчилик бирмунча камайди. Бу соҳада олиб борилаётган тадбирларда судларнинг ҳиссаси қандай бўлаётир?**

— Тажрибалардан маълумки, аввало жиноятчиликнинг олдини олиш, келиб чиқиши мумкин бўлган воқеа, ҳодисаларни кўра билиш муҳим аҳамиятга эга. Унга қарши курашда омманинг барча қатламларида иштирок этиш, меҳнат жамоаларида тарбиявий ишларни кучайтириш яхши самара беради. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи ташкилотларнинг баҳамжиҳат ҳаракати ҳам катта натижаларга олиб келади. Вилоятда жиноятчилик камаяётган экан, демак, бу соҳадаги ишлар дуруст йўлга қўйилаётганлигини кўрсатади. Шунингдек, очилган, пайи қирқилган жиноятларнинг салмоғи ҳам ошди.

Агарда жиноятлар ўз вақтида очилмаса, айбдорлар қилмишларига яраша тегишли жазога тортилмаган тақдирда ҳам жиноят болалаб кетиши мумкин. Чунки қинғирлик — қинғирликни келтириб чиқаргани- дек, ўз вақтида жиловланмаган жиноят ҳам янги-янги жиноятларни келтириб чиқариши турган гап.

1995 йил 1 апрелдан кучга киритилган республикамиз Жиноят кодексида бир қатор жиноятлар, жумладан, қасддан одам ўлдирганлик учун жазо чоралари кучайтирилди. Инсонни ҳаётдан маҳрум этишдан кўра оғирроқ ва машъум жиноят йўқ.

Икки марта судланиб, қамоқ жазосини ўтаб келган ва тузалаш йўлига кирмаган Касби туманида яшовчи Фарҳод Қурбонов падаркушлик қилгани учун ўлим жазосига ҳукм этилди. Қамаши туманида ўсган, Тошкент автомобиль йўллари институти толиби, 23 ёшли Баҳодир Очилов катта пулга эгалик қилиш, мақсадида норасида гўдакни ўлдириб, ҳожатхонага ташлаб юборади. У ҳам ўлимга ҳукм этилди.

**— Судлар фаолиятида ҳам ўзига хос муаммолар борми?**

— Аввало, суд ходимларининг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида гапирмасдан ўтолмайман.«Суд тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, яна бошқа қатор ҳужжатларда судларда ишлайдиган ходимларга меҳнат қилиш, яшаш шароитларини яхшилаш ҳақида ҳам равшан таъкидлаб ўтилган. Судлар янги иш жойларига тайинланишидан сўнг энг кўпи билан олти ой мобайнида истиқомат жойлари билан таъминланиши, уйларига телефонлар ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Туман ва шаҳар судлари хизмат юзасидан вилоят марказига, жойларга чиқиши зарур. Кези келганда хўжаликларда, ташкилот ва корхоналарда сайёр судлар ташкил этишлари лозим. Аммо хизмат машинасининг йўқлиги қийинчилик туғдираяпти. Ҳатто ҳозирги кунда вилоят суди биносида ҳам суд ўтказиш учун етарлича шароит йўқ. Суд зали тор, гувоҳларнинг кутиши учун хоналар йўқ. Ғузор тумани суди 1926 йилда тикланган, ҳозирги пайтда авария ҳолатида бўлган бинода иш кўришга мажбур. Баҳористон, Деҳқонобод туман судларининг бинолари ҳам таъмир талаб. Ушбу суд биноларида гувоҳлар учун маслаҳат хоналари ҳам йўқ.

Айни пайтда вилоят учун бир неча ўн судья зарур. Ҳозир борйўғи 25 судья иш кўраяпти. Судьяларнинг етишмаслиги оқибатида айрим судлов ишларини ўз вақтида ўрганиб кўриб бўлмаётир, кечикиб кетаяпти.

Туманларда биттадан судья иш кўради. Судья меҳнат таътилига чиқди ёки касал бўлди, дейлик, кўриладиган ишлар қалашиб ётаверади. Айрим ишларни бошқа туманларга ўтказишга мажбур бўлинади. Бундан оворагарчиликлар бошланади. Гувоҳларни чақириш, судда иштирок этишини таъминлаш борасида қийинчиликлар вужудга келади. Эндиликда туманларда ҳам аҳолисининг сонига қараб кўп таркибли судларни жорий этиш вақти етди. Ана шундагина кўриладиган ишлар сифати ошади. Навбат кутиб ётмайди. Энг муҳими, қонунларга амал қилиш бекамукўст ниҳоясига етказилади.

**Пўлат ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЪТИРОФ РАМЗИ

***ЮНЕСКОнинг 28-бош конференциясида қабул қилинган қарорга биноан ҳар йилнинг 23 апрели Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ЎзА мухбири Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда республика муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат вакиллиги раиси Абдулла ОРИПОВ билан суҳбатлашди.***

— Китоб азалдан билимларни тарқатиш, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилиб келган. Ҳар йили ўзбек адибларининг ўнлаб китоблари хорижда чоп этилса, кўплаб чет эл ёзувчиларининг асарлари ўзбек китобхонлари қўлига тегади. Жумладан, ўтган йили Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Ойбекнинг «Навоий» романлари, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» асарлари, Эркин Воҳидовнинг шеърлар тўплами Туркияда босилиб чиқди. Франция пойтахти Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва таълимнинг равнақи» мавзуида ҳафталик ўтказилаётган айни кунларда парижликлар ўзбекистонлик тарихчи олимлар Б.Аҳмедов, А.Бердимуродовнинг ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилган «Соҳибқирон Темур» ҳамда «Гўри Амир мақбараси. 1941 йил» рисолалари билан танишмоқдалар. Мамлакатимиз китобхонлари эса ЮНЕСКО Бош директори Федереко Майорнинг «Келажак хотираси» китобини ўзбек тилида ўқиш имконига эга бўлди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юртимизда ижодни тарғиб этиш билан бирга ижодкор ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш вакиллигимиз халқаро ташкилот ҳисобланади. Шу боис биз адабиёт, фан, санъат ва бадиий асарларни ҳимоя қилишга ихтисослашган Берн конвенциясига аъзо бўляпмиз.

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ўзи нимадан иборат? Биринчидан, ҳар бир муаллиф — у бастакорми, ёзувчими ёхуд олимми — унинг муаллифлик ҳуқуқи даҳлсизлиги таъминланиши керак. Масалан, бирор муаллифнинг асари хорижда эълон қилинадиган бўлса, унга тўланадиган қалам ҳақи ҳуқуқий йўл билан ундириб берилиши шарт. Бирор асарни кимлардир ўзлаштириб олмаслигини кафолатлаш ҳам бизнинг ташкилотимиз зиммасига юклатилган.

Биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини қураётирмиз. Бундай вазиятда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш вакиллигининг ҳам хизмати катта бўлади. Шуни ҳисобга олиб ташкилотимизга давлат мақоми берилди. Бу эса вакиллик давлатнинг муаллифлик ҳуқуқига оид сиёсатини юритадиган ташкилотга айланишига имкон яратди.

Вакиллигимиз тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилмоқда. Муаллифлик ҳуқуқи ва муштарак ҳуқуқлар тўғрисида янги қонуннинг қабул қилиниши эса республика муаллифларининг ҳуқуқларини бутун жаҳонда халқаро тенг ҳуқуқлар асосида ҳимоя қилинишида катта аҳамият касб этади. Дунё бўйлаб нашр этилаётган бадиий, илмий ва бошқа асарларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳуқуққа эга бўламиз. Дунёнинг қайси бир бурчагида ўзбекистонлик муаллифлар асари нашр қилинадиган бўлса, унинг қалам ҳақи Ўзбекистонга келиб тушади. Худди шунингдек, хорижий ёзувчиларнинг асарларини нашр этадиган бўлсак, шартнома асосида уларнинг ҳақини тўлашни ҳам кафолатлаймиз. Хуллас, муаллифлик ҳуқуқини пухта ҳимоя қилиш ҳуқуқий давлатнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Жаҳон миқёсида халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни белгилангани ижодкорларга бўлган эътиборни янада кучайтириши муқаррар. Бу адабиёт, санъат, умуман, ижод аҳлини бутун дунёга танитишда, уларни ўзаро яқинлаштиришда катта аҳамиятга эга.

# АСЛИДДИННИНГ ТАНИЛГАН АСАРЛАРИ

***Ёшларни гўзаллик дунёсига ошно қилиш, уларда нафосат, юксак дидни шакллантириш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институтида расмлар галереяси ташкил этилди.***

Кўргазма самарқандлик истеъдодли рассом Аслиддин Исаев асарлари билан очилди. Мусаввирнинг ўнлаб асарлари АҚШ, Ҳиндистон, Франция, Мўғулистон, Тунис каби мамлакатларда ҳам намойиш этилган.

**М.МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


"Би-Эл-Моторс"
*қўшма корхонаси*
**таклиф қилади:**



- электродвигателлар:
  - 3 фазали 4АМ80 типидаги;
  - 1 фазали 4АМАТ80 типидаги;
  - центрофуга аппаратлари ва кир ювиш машиналарига мўлжалланган ДАО, ДАСМ типидаги;
- 150, 200, 300, 400 мм ҳажмдаги ВТ-9 асбоцемент қувурлари;
- ЭЦВ типидаги чўкма насослар;
- дераза ва дўкон пештахтасига мўлжалланган ва шунингдек, пардоз берилган ойналар;
- автомобиллар учун радиатор ва иситгичлар.

**Жаноб тадбиркорлар, шошилинг!**
**Биздаги нархлар энг арзон.**

Тел.: (3712) 48-29-42, 48-28-74.
Факс: (3712) 48-19-20.



*"ОЛТРАСТ"*
*инвестицион фирмаси*
*(ЎзР Молия вазирлигининг лицензияси №134)*
*тугаш муддати ҳар хил бўлган*
**ВЕКСЕЛЛАР**
*сотиб олади.*
Мурожаат учун телефонлар:
77-44-77, 77-75-52.
Тошкент ш., Қирққиз кўчаси, 10.


• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

# АТЛАНТАГА ЯНА ЎНТА ЙЎЛЛАНМА

***Таиландда сузиш бўйича Осиё чемпионати якунланди. Унда муваффақиятли қатнашган ҳамюртларимиз Атланта Олимпиадасининг ўнта йўлланмасига эга бўлишди.***



Сузувчиларимиз 17 мамлакат спортчилари қатнашган қитъа чемпионатининг 1 та «олтин», 1 та»кумуш» ва 4 та «бронза» медалини қўлга киритишди. Ҳамюртларимиз, айниқса, эстафета мусобақасида яхши натижалар кўрсатишди. Вячеслав Кабанов, Александр Агафонов, Олег Пухнатий, Олег Цветковскийдан иборат «дельфин» ларимиз 4х100 метрга сузиш бўйича нафақат Осиё чемпиони бўлишди, балки улар ўтган йили Осиё-Океания чемпионатидаги вақт кўрсаткичини янада яхшилашди. Улар Осиё-Океания чемпионатида бу масофани 3,33,57 дақиқада сузиб ўтишган бўлса, қитъа биринчилигида 3,27,35 дақиқада маррага етиб келишди. Бу сузувчиларимизнинг маҳорати янада ошаётганидан далолат беради ва уларнинг Атланта Олимпиадасида ҳам совриндор бўлишига умид уйғотади.

4х200 метрга эстафета мусобақасида эса вакилларимиз иккинчи натижа кўрсатишди. Шуни таъкидлаш жоизки, бу сафар энг моҳир сузувчимиз Олег Пухнатий ўрнига Дмитрий Паньков сувга шўнғиган эди.

— Терма жамоамиз умумкоманда ҳисобида Хитой, Япония ва Жанубий Корея сузувчиларидан сўнг тўртинчи ўринни эгаллашдики, буни мен ижобий баҳолайман, — дейди Ўзбекистон сузиш федерациясининг бош котиби Александр Гнодовский. — Чунки юқори ўринни эгаллаган жамоалар чемпионатда сон жиҳатдан бизга нисбатан кўпчилик бўлиб қатнашишди.

Шунингдек, сузиш федерацияси бош котиби сузувчиларимизнинг Атланта Олимпиадасига тайёргарлиги юқори даражада эканлигини эътироф эди.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ШОҲСУПА

**• Дэвис кубоги учун норасмий жаҳон чемпионатининг Осиё-Океания минтақасида қатнашаётган теннисчиларимизнинг навбатдаги рақиби маълум бўлди. Гонконг терма жамоасини мағлубиятга учратган таиландлик теннисчилар сентябрь ойида «Юнусобод» теннис кортида терма жамоамизга қарши ўйнайди. Ушбу финал учрашувининг ғолиби Осиё-Океания минтақасининг биринчи гуруҳига йўлланмани қўлга киритади.**

**• Волейбол бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи турида Самарқанднинг «Кинап» жамоаси барча беш учрашувда ғалаба қозонди ва пешақадамликни қўлга киритди. Навоийнинг «Виктория» жамоаси 4 очко билан иккинчи ўринда бораяпти.**

**• Атланта Олимпиадасида тўп сурадиган 16 та футбол жамоадан 14 таси маълум бўлди. Булар АҚШ (майдон эгаси), Бразилия (сўнгги Олимпиада чемпиони), Аргентина, Португалия, Франция, Италия, Испания, Венгрия, Нигерия, Тунис, Гана, Япония, Саудия Арабистони ва Жанубий Корея олимпия терма жамоаларидир. Қолган икки йўлланма соҳиблари КОНКАКАФ ва Океания минтақалари саралаш учрашувларидан сўнг аниқланади.**

**• Малайзияда ўтказилган қитъа спорт журналистлари конгресси Осиёнинг ўтган йилги энг яхши спортчисини аниқлади. 1995 йилда жаҳон чемпионатининг 3 та «олтин» ва 1 та «бронза» медалини қўлга киритган ҳамда жаҳон кубоги баҳсларида иккинчи ўринни эгаллаган қозоғистонлик чанғи спорти устаси Владимир Смирнов қитъанинг энг яхши спортчиси, деб топилди.**

**Ш.РЎЗМОНОВ.**

## ХУЛҚ-ОДОБ — МАЪНАВИЯТ КАЛИТИ

***Маънавий юксалишсиз Ўзбекистон келажагини тасаввур қилиш қийин. Мустақил юрт кишиси асрлар оша етиб келган шарқона ахлоқ-одоб билангина гўзал, баркамол бўла олади.***

Наманган вилоятида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман ана шу мавзуга бағишланди. «Хулқ-одоб — маънавият калити» мавзуидаги мазкур илмий-амалий конференция вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилди.

Анжуманга кўплаб жамоат ташкилотларининг вакиллари қатори вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ҳам таклиф қилинган эди. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Наманган шаҳар бўлими раиси Маматвали Турғуновнинг «Инсоннинг бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишида маҳалланинг аҳамияти» мавзуидаги маърузаси ҳам конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ.**


БЕЖИРИМ, БУЗИЛМАЙ ИШЛАЙДИГАН
**ЭЛЕКТРОН ЁЗУВ МАШИНКАЛАРИ**
SAMSUNG SQ 1000
рус-инглизча шрифт (ОРТIМА га ўхшаш)
кафолати - 1 йил
Нархи - **14.300** сўм



МАЛКОМ
Телефонлар: (3712) 50-6941, 50-3286, 33-9951






**Panasonic**

| *Факслар, факс-ксерокслар* | *Баҳоси (сўм)* |
|---|---|
| KX-F-3100 лазерли, факс/ксерокс,автожавоб | 75000 |
| KX-F-3000 лазерли (оддий қоғоз), факс/ксерокс | 73000 |
| KX-F 500/550* (чет тил.,рус.тили) | 31900 |
| KX-F 700/750* (чет тил.,рус тили) | 41000 |
| *Телефонлар* | |
| KX-T3908 cordless phone | 8872 |
| KX-T3968/2 P-тел.,2-клавиатура спикерфон | 12559 |
| KX-T9500 радиотелефон 1 км | 22173 |

**Canon**

| | |
|---|---|
| *Ксерокслар* | |
| CANON PC-310,E-16 яримавтомат | 44500 |
| CANON PC-330,E-16 автомат | 53100 |

**SAMSUNG**

| | |
|---|---|
| *ЭЛЕКТРОН ЁЗУВ МАШИНКАЛАРИ SQ-1000!* ЛАТ/РУС, КАФОЛАТИ 1 ЙИЛ | 14300 |
| *ЯНГИЛИК! ФАКСЛАР* | |
| SF-800 автожавоб, дисплей | 22700 |
| (PANASONIC KX-F700 га ўхшаш) | 25500 |
| SF-100 автожавоб,дисплей,personal FAX | |
| SP-R 916 радио-мини АТС 1 дан 4 абонентгача ,1 км | 27000 |

**CASIO**

| | |
|---|---|
| 9 турда,приёмникли,лазерли, | 2000 дан |
| *қўнғироқ соатли стереоплейерлар* | 14500 гача |
| *Бухгалтерия калькуляторлари* | |
| DM 1200 12 разр.(бух.) (NEW 888 ) | 1435 |
| DM 1600 16 разр. катта диспл. | 1910 |
| D-20 12 разр.(бух.) | 1333 |
| *Чўнтак калькуляторлари (15 тур)* | 140 дан |
| QA-300 10 разр., соатли,таймерли | 1835 гача |
| *Ён дафтарчалар* | |
| DC-7500 8 кБ катта экран рус. | 3200 |
| SF-4600 .64 кБ катта экран рус. | 7200 |
| SF-4900 .128 кБ катта экран рус. | 12250 |
| *Қўл соатлари - 17 турда* | 1100 дан |
| CMD40-1UZT масофадан туриб бошқар.пультли телевид. аппарат,қўл. | 6400 гача |
| *CITIZEN бизнес-папкалари* | |
| FT-205 бизнес-папка,калькулятор 8р. | 1790 |
| FT-240 бизнес-папка,калькулятор 10р. | 2020 |

**TEFAL FRANCE**

| | |
|---|---|
| *Автомат. чойнак FREE CORD (шнурсиз)* "ВИВАЛЬП,SPRINT, MEDIUM,CLASSIC ..." | 3850/6300 |

**GENERAL ELEKTRIC USA**

| | |
|---|---|
| *Телефонлар* | |
| GE 2-9420,икки лин., спикерфон,12 аб. хотира | 5500 |
| GE 2-9230,33 оқ/қора 12 аб. хотира | 2400 |

ВА БОШҚА ҲАР ҚАНДАЙ ОРГТЕХНИКА!





ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — Р. Жумаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0200 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6